

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади 1997 йил апрел

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарх



● Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу йил 31 мартдан 2 апрелга қадар расмий тапширф билан Греция Республикасида бўлди.

● Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси самарали ишларини таъминлаш учун депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. Олий Мажлис Раисининг уринбосари Б. Бугров бошчилигида ана шу ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Фармонга илова тарзида халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъати буюмлари асосий турларининг рўйхати эълон қилинди ва уларни ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар 5 йил муддатта даромад солиғи тулашдан озод этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республика фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни имзолади.


● Тошкентда Марказий Осиё мамлакатларининг «Эмлаш дастури ва эмлаш сиёсатидаги ислохотлар» мавзусидаги минтақавий семинари бўлиб ўтди. Уни республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Американинг халқаро тараққиёт агентлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ҳамкорликда уюштирилди.

● Наманганда Қирғиз маданияти маркази ташкил этилди. Вилоят аҳолисининг 20 мингдан зиёдини қирғизлар ташкил этади. Шунинг учун миллий маданий марказнинг иш бошлаши улар учун муҳим воқеа бўлди.

● Тошкентда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти марказий бошқарувининг уттан йилги иш якуналари ва галдаги вазифаларга бағишланган пленуми бўлди.

● Шу йилнинг 8-11 апрел кунлари Тошкентда «Соғлиқни сақлаш-97» учинчи Халқаро тиббиёт кургамаси бўлиб ўтди.

Ўза ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



Чотқолда баҳор
В. ТАРАН фототюди

УШБУ

3-бет:
**ИБРАТЛИ
ҲИКОЯТЛАР**

—...Макка шаҳри уғрларга тула экан. Биз Маккага келаётган карвонларни қароқчилардан ҳимоя қиламиз, лекин шаҳригизда бизни шилишди.

5-бет:
**«ДАДАСИ,
МЕН СУЗНИ
СЕВАМАН...»**

У ҳам уйланиб утирмасдан «иккаласини ҳам севаман», деб жавоб берди.

8-бет:
**ЭРКАКМИ
ЁКИ АЁЛ?**

Бечора Роналд суюкли хотинининг бундан бир неча йил аввал эркак булганини билмасди.

СОҒЛОМ

Ахборот

БОЛАЛАР
КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбекистон Болалар жамғармаси бошқарувида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция»дан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси И. Юсупова конвенциянинг мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берди. «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» ўзбек тилига таржима қилинди. Эндиликда матбуотда унинг мазмуни ва моҳиятини аҳолига тушунтириб бериш лозим бўлади. Республика миқдорида болалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳукумат ва жамоат ташкилотлари томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Аммо бу тадбирларни талаб даражасида деб бўлмайди. Ёш авлодни Ватанмизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялаш учун соғлиқни сақлаш, маориф муассасалари, жамоат ташкилотлари ва маҳаллалар аҳли яқдиллик билан ҳаракат қилишлари зарур, дейилди учрашувда.

Конференцияда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» газетаси
ходими



● Ўзбекистон Болалар жамғармасининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»ни бажариш борасида Болалар жамғармаси ва унинг бўлимлари олдида турган вазифалар, вилоятлардаги бўлимларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг натижалари, жамғарманинг Навоий вилоят бўлими фаолияти муҳокама этилди. Пленумда қуриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Газетамизнинг утган сонларидан бирида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Австриянинг «SOS—киндлердорф интернейшнл» фирмаси билан ҳамкорликда юртимизда болалар қишлоғи қуриш буйича лойиҳа тайёрлаганини хабар қилган эдик.

Куйида эса «SOS—киндлердорф интернейшнл»нинг тарихи, мақсадлари, болалар қишлоғининг шакли, у ердаги тарбия асослари ҳақида қисқача маълумот билан танишасиз.

Ушбу хайрия ишнинг сабабчиси Герман Гмейнер 1919 йил австриялик

Муассисларимиз фаолиятдан

Демак, «SOS—болалар қишлоғи»нинг мақсадидан келиб чиқиб, шакли ҳам узига хос. Қишлоқ 10-15 та алоҳида-алоҳида қурилган уйдан иборат бўлади ва ҳар бир уйда 6—8 та бола тарбияланади. Болалар асосан соғлом ва 8 ёшгача бўлишлари керак. Мабодо бир нечта етим ака-укалар бўлса, уларнинг ети чегараланмаган ҳолда битта уйга қабул қилиниши мумкин.

Тарбия масаласига келганда эса асосий вазифа оналар (худди шундай аталади) зиммасига юкланади. Она уз қарамо-

SOS—БОЛАЛАР ҚИШЛОҒИ

катта фермер оиласида туғилган. Жуда ёшигида онасидан айрилиб, етимлик азобларини кўрган Герман Гмейнер иккинчи жаҳон уруши туфайли етим қолган болалар тақдирига қуюнчаклик билан қарайди. Уз кузатувлари натижасида шунга амин бўладикки, етим болаларга курсатилган ердам, қанчки болалар оила шароитида тарбиялансагина яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Герман Гмейнер бошлаган иш тез орада бутун дунё бўйлаб сийла бошлади. Бугун «SOS—киндлердорф интернейшнл»га 126 мамлакатдан 6,5 миллиондан зиёд одам ердам бермоқда ва «SOS—болалар қишлоғи»нинг сони 340 дан ошиб кетди.

Қишлоқ ташкил этилган асосий мақсад етим гудакларни маҳаллий мактаб ва коллежларда ўқиб чуқур билим эгаллаши, дам одиқ вақтларини мазмунли ўтказишлари ва бошқа тадбирлар орқали улар кунлида оилага меҳр уйғотишидир.

Ғилати болаларга бор меҳрини бериши, қолаверса, узини бахшида этишга да тайёр аёл бўлмоғи лозим. Шу сабабли она танлашда жуда жиддий шартлар белгиланган. Аввало, она вазифасига ишга қабул қилинадиган аёл 25-30 ёшларга бўлиши ва оиласи бўзмаслиги лозим. Мабодо турмушга чиқалган бўлса, дарҳол болалар қишлоғи билан алоқаси узилади. Сабр ва матонат билан етим гудакларни тарбиялаб вояга етказган аёл нафақа ешига етгач, умрининг охиригача «SOS—киндлердорф интернейшнл» белгиланган нафақага эга бўлади.

Бугунги кунда МДХ давлатларидан Арманистон, Грузия, Россия ва Қозғистонда «SOS—болалар қишлоғи» фаолият кўрсатиб келмоқда. Лойиҳа республика ҳукумати томонидан тасдиқланса, юртимизнинг Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам худди шундай қишлоқлар бунёд этилиши кузда тутилмоқда.

Ботир ЭРНАЗАРОВ

Оламда гап кўп

КРЕМЛНИНГ
ЯМОҚЧИЛАРИ

«Алтима» фирмасининг аплинчилари ҳар йили бир марта Кремлга келиб, 20та минора ва 2 километрдан узунроқ деворни қаричма-қарич текшириб, ҳосил бўлган ёриқларни сувашади. Яна шуниси борки, Кремл деворларидан ҳар хил ўсимликлар, буталар ўсади. Аплинчилар ана шу «қулоқ»сиз ўсимликларни ҳам йўқотишади.

ҲАММАСИ УЧ ЙИЛ
ОЛДИНГИДАЙ

Қоҳирада йигирма икки араб давлатининг ташқи ишлар вазирлари илтироқида ўтган Араб мамлакатлари лигасининг навбатдаги кенгаши Исроил билан ҳар қандай алоқа ва муносабатларни узиш ҳақида қарор қилди. Исроилнинг Шарқий Қуддусда 18 мартда бошланган яхудиёлар учун уй-жой қуриш тўғрисида қарорига жавобан араб мамлакатлари шундай кескин чора қуришга жазм этди.

Бу қарорни Исроил бош вазир Б. Нетаняху: «Беманлиқ» деб атади. Ясир Арофат эса лига қароридан мамнун эканини эътироф этиб, бу чора «Ақин Шарқда тиңчилик жарасини сақлаб қолишга ердам беради», деди.

Яхудиёлар учун уй-жой қурилиши мулжалланган жойни араблар Жибал Абуғней дейишади. Улар бу жойда Фаластин давлатининг пойтахтини қуришни мулжаллашганди. Яхудиёлар эса Хархам деб аташадиган уша жойни уларнинг ота-боболаридан қолган азалий маконлари, деб билишади.

Хуллас, ҳаммаси яна уз аслига қайти: араб-исроил муносабатлари бундан уч йил бурун қай даражада кескин ва танг бўлса, тагин шу аҳволга келди. Чамаси, бу эски можаронинг охири қуринмайдиганга ухшайди.

ТЕМИР ЙЎЛ
ҲАЛОКАТИ

Испаниянинг шимолидаги Барселона шаҳридан чиққан йуловчи ташийдиган поезд ҳалокатга учради. Ҳалокат оқибатида йигирма бир киши ҳалок бўлди, унлаб йуловчилар тан жароҳати олди. Жароҳатланганларнинг унга яқини оғир аҳволда, дейилади бу ҳақда берилган хабарларда.

Мамлакат ички ишлари ходимлари поезд ҳалокати сабабларини аниқлашмоқда. Ҳозиргача айтилган тахминларга қараганда, тегиликнинг оғиб кетгани бу фожиага сабаб бўлган.

ИТТИФОҚ
ИШТИҒИ

Россия ва Белоруссиянинг бирлашиши масаласи жаҳон ахборот воситалари, сиёсий шарҳловчилар томонидан қизгин



муҳокама қилинаётир. Жумладан, бу масалада «Америка овози»нинг тарқатган фикри шундай: «Россия билан Белоруссия бир иттифоққа бирлашиши шу қадар исташмоқдаки, бу илтиқдан уларни бирор-бир нарса, ҳусусан, сўз эркинлигини бузиш ҳоллари ҳам тухтата олмайди».

ЧЕРНОБИЛЧИЛАРГА
МАДАД

Украина ва Белоруссияда Чернобил атом станцияси ҳалокатида жабр кўрганлардан катта бир гуруҳи Куба республикасининг тиббий марказларида даволанишмоқда. Мутахассисларнинг ҳисобича, кейинги олти йил мобайнида 14.100 нафар болалар ва 2.500 катта ёшдаги ки-

шилар бундай имкониятдан фойдаланишган.

БОМБА
ПОРТЛАМАДИ

Протестант жангарилари Шимолий Ирландияда кучли портлашни амалга оширишга уринишди. Бироқ уларнинг катolik партиясардори Шин Фейн қароргоҳи енига бекитилган 40 килограммик бомба портлашга санокли дақиқалар қолганда саперлар томонидан топиб, зарарсизлантирилди.

ВАЗИРНИНГ
ЭЪТИРОФИ

Германияга сафари чоғида Россия ташқи ишлари вазир Е. Примаков: «НАТОнинг кенгайиши «совуқ уруш» замони туғанидан кейинги давр мобайнида Ғарб йул қуйган энг катта хато», деди. Бироқ ана шундай қарама-қарши фикрларга қарамай, Россия Ғарб мамлакатлари билан муносабатларини давом эттирмоқда.

БМТ ТАДБИРИ

Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Албанияда халқроқ тиңчиликни сақловчи кучларни жойлаштириш режасини маъқуллади. Ҳарбий хизматчиларнинг аксарият қисми, 2500 кишини, Италия жунатадиган бўлди. Дарвоқе, бу мамлакат Албанияга ана шундай кучларни киритиш ташаббуси билан чиққан эди. Бу талбирда, шунингдек, Франция, Испания, Португалия, Греция, Австрия ва Нидерландия ҳам иштирок этидиган бўлди.

ДАВЛАТ
КОТИБИНИНГ
ЭЪТИРОФИ

АҚШ давлат котибни Мадлен Олбрайт хоним Жожтаун университетига сузлаган нутқида Ироққа нисбатан кескин фикрлар айтди. Унинг сузларидан маълум бўлишича, АҚШнинг Ироққа нисбатан олиб бораётган сиёсатида асосий эътибор яна президент Салдам Хусайини ҳокимиятдан четлатишга қаратилади.

ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙМИЗ!

Азиз муштарий! Инсон ҳаётида тугилган кун, мучал ёши, никоҳ тўйи каби қутлуг саналар борки, бундай пайтда хурсандчилик дўстлар билан баҳам кўрилади. Унутманг: бундай дамларда энг қутилмаган совға «Оила ва жамият» орқали табрикдир.

«Оила ва жамият» сизнинг имкониятларингизни чамалаб кўриб табриклар баҳосини энг арзон нархда белгилади. 1997 йил 1 мартдан бир босма (ҳарф, тиниш) белгининг баҳоси 1 сўм, табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси 125 сўм, хусусий эълон ва билдирувлар — 300 сўм, «Оила» эълони — 250 сўм.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 609-хона.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91, 33-28-20.

«Оила ва жамият» газетаси ўзининг барча ҳамкорларига банк муассасасидаги ҳисоб рақами узгарганлигини маълум қилади:

ҳ/р 20210000300117340001

МФО 00400

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Саноат-қурлиш Банкнинг Шаҳристон бўлими

САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИНГ ТЕРИГА ТАЪСИРИ

Ўрик — тинчлантиради, ядиглашниши йўқотади.

Бақлажон — намлантиради.

Брусника ва черника — бадандаги майда тешикларни торайтиради ва соғломлаштиради.

Шафтоли — силлиқлаштиради ва юмшатади.

Узум — намлантиради ва юмшатади.

Кулупнай, малина — намлантиради ва соғломлаштиради.

Лимон — бадандаги майда тешикларни торайтиради, лекин унинг шарбатига бошқа шарбат қўшиш керак. Чунки у жуда ҳам кучли таъсир қилади.

Смородина, олча — бадандаги майда тешикларни торайтиради ва соғломлаштиради.

Бодрингли ниқоб теридаги майда тешикчалар кенгайиб кетган ва сулиб бораётганда тавсия этилади. Энг осони бодринг пустлогини юзга қўйиш. Бодрингни қирғичдан утказиб, ҳосил

булган бутқасини докага ураб, юзга қўйиш ҳам мумкин. Эки битта тухумнинг оқини қуриштириб, янги узилган бодринг сувидан 2 қошиқ қўшилади. Яхшилаб аралаштириб юзга суртилади.

Сабзили ниқоб ёғли, ҳуснбузарлари бор, рангсиз ва сулгин терига фойдалидир. Сабзини қирғичдан утказиб, юзга суртилади. Унга қирғичдан утказилган олма қўшилса, самараси янада кудроқ булади.

Помидор ниқоб катта-катта тешиклари булган ёғли терига яхшидир. Бунда помидор булакларга булиниб, юзга териб чиқилади.

Оқ ва қизил смородинали ниқоб тешикларни кичрайтиришга ва ёғли терига фойдалидир. Мевани эзиб, сувига озгина картошка уни қўшилади ва юзга суртилади.

Картошкали ниқоб юздаги ажинларни йўқотади. Картошкани қайнатинг ва эзиб, унга озгина сут қўшинг. Сунгра юзга суртинг.

Оланда гап кўп

ЧУМОЛИ — АҚЛЛИ МАВЖУДОТ

Чумолилар ҳаётини синчиқлаб ўрганган олимлар бир қатор қизиқарли далилларга дуч келишди. Масалан, чумолиларнинг ҳам ўз болалар боғчалари, у ерда эса тарбиячилари бўлар экан. «Дўхтир» чумолилар эса ҳар кун индаги чумолиларни текшириб, зарур бўлса, жараҳатланганларининг оёқларини кесибди. Уларнинг ўз қабристонини ва гўрковлари ҳам бор.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Сергели-8 даги 9 қаватли уйнинг 7-қаватидаги 6 хонали таъмирланган уй сотилади.

Телефон: 51-04-62.

«Халқлар дўстлиги» метро бекамини яқинидаги 3 ва 4 хонали уй сотилади.

Телефон: 45-50-87.

Қўлда бошқариладиган «Модеп-407» (ГФР) ногиронлар аравачаси сотилади.

Телефон: 22-46-04.

Табриклаймиз!



Хурматли адажонимиз Шавкат ЁҚУБОВ!
Сизни 50 - баҳорингиз билан қутлаб, соғлиқ, узоқ умр, ишларингизга ривож тилаб, фарзандларингиз

Шарифжон, Шохрўхмирзо, Шохжаҳон, Темурмалик

Қадри Абдурашид БУТАЕВ!

Бир гуруҳ дўстларингиз 1 апрель — таваллуд тошган кунингиз муносабати билан чин кунгилдан табриклайдилар.

Сиз айна кучга тулган, камолот поғонасига етган ёшингизда барча дўстларингиз дарёлар каби туганмас умр, ишларингизга муваффақият, оилавий бахт тилайдилар.



КОМИЛАХОН!

Тугилган кунингиз муборак бўлсин. Қалбингизнинг покизалиги сизни бир умр тарк этмасин. Умрингиз сунбул сочларингиз каби узундан-узун бўлсин. Сизга ҳали инсон етиша олмаган эзгулик бахтларини тилаб


дўстларингиз.



Хурматли онажонимиз Дилбархон АБДУЛЛАХОДЖАЕВА!

Сизни тугилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Ўғлингиз, келиннгиз ва невараларингиз Бахтиёр, Лола, Сардор.



ЖАҲОНГИРЖОН!

Навқирон 22 ёшинг муборак бўлсин. Бахтимизга ҳамиша соғ бул.

Шириновлар оиласи.



Ўғлим ШОХРУҲЖОН!

Муборак 4 ёшинг қутлуг бўлсин. Шоҳлар руҳи маладкор бўлсин.

Меҳрибон دادанг ва онажонинг.

Қадри Анваржон БАРАТОВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Бахтимизга доим соғ булинг.

Оила аъзоларингиз.

Хурматли падари бузрукворимиз Балхибой АРСЛОНОВ

ва онажонимиз Толлој АРСЛОНОВА!

Сизларни таваллуд тошган кунларингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизларга соғлиқ, узоқ-умр ва омонлик тилаймиз.

Фарзандларингиз.



ЭРКАКМИ ЕКИ АЁЛ?

Хали омма орасида таниш булмаган янги манексчи — гузал Робертанинг саҳнага илк чиқишиёқ Швейцария матбуоти томонидан «янги юлдузнинг порлаши» сифатида баҳоланди. Моделлар ва кинорежиссёрлардан тундашдан бундан ёса саноғи йуқ эди. Ана шундай шов-шув билан бошланган муваффақиятнинг кетидан бундан-да шов-шувлироқ янгилик маълум бўлди. Роберта деганлари аслида бундан бир неча йиллар аввал Луис Роберт Гамбани Морейра исмли умир булган экан.

Робертанинг утмишидан ҳатто унинг эри — «Нестле» компанияси корхоналаридан

бирининг бошқарувчиси Роналд Гранахер ҳам беҳабар эди. Туйдан нақ бир йил утга, хотини бор гапни айтганида, аввалига у шошиб қолди.

— Лскин ҳозир у мени аввалгидан ҳам қаттиқроқ севади ва мен жудаям бахтлиман, — дейди Роберта.

Луис Роберт аёлга айланишни бирданига истаб қолгани йуқ. У болагидан қуғирчоқларни, тақинчоқ тақини, соч устиришни, қизлар куйлагини кийиб юришни ёқтирарди. У турли хил гормонал дорилар истеъмол қилиб, овози, юриш-туришини аёлларникига ухшатиб борди. Ниҳоят, 1989 йилда жарроҳлик йули билан жинсини ҳам узарттиришга аҳд қилди. Операциядан сунг Швейцария маъмурияти унга Роберта Клэо номига паспорт берди. Ватани Бразилияда эса уни аёл сифатида тан

Ё, ТАВБА!

олишмаётти. Сабаби, Роберта ташқи кўринишидан аёл булса-да, унинг ички секреция безлари эркаклар гармонлари ишлаб чиқараётган экан. Умуман, Бразилияда жарроҳлик йули билан жинсини узарттирганлар сони 1,5 минг кишига етиб қоларкан. Уларнинг ҳаммаси паспортга узарттириш киритолмай овор. Агар улар Европада яшаганда ишлари инсон ҳуқуқлари буйича Европа суди орқали осонгина ҳал буларди. Бекорга бундай деяртганимиз йуқ. Бундан бир неча йил аввал ана шу судга франциялик бир киши мурожаат этганди. У жарроҳлик йули билан жинсини узарттирган бўлиб, мамлакат адлия органлари эса унга янги — аёл исми билан паспорт беришмаётган экан. Суд Франция адлия органларини инсон ҳуқуқларини поймол этган, деб топди ва дарҳол арзчига янги паспорт бериш ҳамда унга етказилган маънавий зарарни қоплаш учун 100 минг франк тоvon тулаш ҳақида ҳукм чиқарди.

«Континент» газетасидан олинди

ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН

Калифорния полицияси 91 ёшли Марион Жонсонни зўрлаб номусга тегишга уринишда айблаб ҳибсга олди. У госпиталда даволанаётган эди. Ҳамширалар уни 81 ёшли бемор аёлга тегажоглик қилаётганда ушлаб олишди. Айланувчининг 51 яшар қизи Барбара «Отам қари бўлгани билан жисмонан бақувват одам, шунинг учун ундан ҳар балони кутиш мумкин», — дейди.

Оламанда гап кун

**ОЛМОН
«ЧАНГАЛЗОРИ»ДАГИ
МАУГЛИ**

Маугли булиш учун Киплингнинг асаридаги каби ваҳший ва саҳий ҳайвонлар билан тулиб-тошган чангалзорда яшаш шарт эмас экан. Гарбининг энг ривожланган мамлакатларидан бири Олмонни «тажрибасида» бу нарса уз исботини топди.

Бир неча йил аввал бу мамлакатда овчарканинг тарбиясида усаётган бола топилди. Боланинг ота-онаси ичкиликбозликка муқкасидан кетган бўлиб, фарзандларини буткул унуттишганди. Қаровсиз қолган болани «Ас-

Ана холос!

та» лақабли овчарка ит боқиб олди. У тошган-тутганини «угли» билан булишиб ер, уни ҳар хил кунгилсиз воқеа-ҳодисалардан асрар, йиғласа майин товущда увиллаб ала ҳам айтарди. «Маугли»нинг хатти-ҳаракатлари «онаси»ниқидан қолишмасди: худди ит каби турт оёқлаб юрар, ухлаганда қулларини олдинга қўзиб, бошини улар орасига олиб ётарди. Болани топиб олишганда ота, она, Аста деган сузларнигина айта олар, купроқ буйинини қўзиб ҳар хил товущлар чиқарарди.

Унинг ота-онасини болага ота-оналик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, саккиз ойга қамашди. «Маугли»нинг узини эса ривожланишдан орқада қолган ва ногирон болалар уйига жойлаштиришди. Шундан бери олти йил утди. Эделтрауд исмли роҳибанинг жон койитишлари туфайли «Маугли» одамларга анча урганди, ҳозир иккинчи синфда уқияпти. Лскин жанжалкашлик, елгизликка мойиллик каби одатлардан ҳали қутилганича йуқ.



Доктор: — Хўш, оёғим оғрияпти денг... Ие, мана бўлди...

**ЖАННАНИНГ
АРМОНИ**

Франциялик аёл Жанна Калман узининг туғилган кунига совга қилинган торт устидаги 122 та шамчирокни учуриш учун анча вақтини сарфлади.

Бугун ер кўррасидаги энг кекса киши ҳисобланаётган Жанна Калман туғилган 1875 йилда Парижнинг жаҳонга машҳур Эйфел минораси ҳали қурилмаган эди. Телефон ва радио у ёқда турсин, оддийгина электр лампочкаси ҳам кашф этиб улгурилмаганди. Жанна Франциянинг йигирмадан зиёд раҳбарини кўрди, мамлакат эса учинчи республикадан тортиб, бешинчи республикага қадар булган даврни босиб утди. Хуллас, Франциянинг энг янги тарихи Жанна хоним кўз унгида шаклланди. У 70 ёшга тулиб, қариллик гаштини суриб юрган бир пайтда, француз аёллари эркаклар билан тенг ҳуқуққа эришиб, сайловда илк бор овоз бердилар.

Умуман, Жанна узининг ҳастидан ниҳоятда хурсанд. У ҳатто XXI аср «таъмини» татиб қуришни ҳам режалаштириб қуйибди. Унинг ҳаётдаги ягона армони — калта юбка кийиш узига насиб этмагани бўлди. У калта кийинишни ҳар қанча хоҳламасин, «олий мода» барқ уриб яшнаган олтиминчи йилларда Калман хоним аллақачон тўқсон ёшни «уриб» қуйган эди.

**СўНГГИ
УСТУН**

СУПЕРГЕНИЙ

Жанубий Африка Республикаси пойтахтида яшовчи, 59 ёшли Супер Вермолен узоқ уринишлардан сунг фамилиясини «Жиннэ» деб узгартиришга рухсат олди. Энди унинг исми шарифи «Супергений» деган маъно беради. Супернинг иккорича, бу айни ҳақиқат бўлиб, у келажакни олдиндан айтиб бериш, бижра савдоларини, нефт, олтин кабиларнинг нархини назорат қилиш қобилиятига эга эмиш.

**ГЎЗАЛЛАРГА
УЙЛАНМАНГ**

Британиялик олимларнинг фикрича, эркакларнинг узоқ умр кўриши хотинининг ҳусни-жамолига боглик экан. Қайсики эркакнинг хотини хунуқкина булса, у бошқалардан кўра 10-12 йил купроқ яшаркан. Хотини ҳуснда тенгсиз эркак эса ҳар кунги рашк, сувоқлисининг кунглини олиш ташвиши туфайли асабларини, демакки, умрини ҳам етовлаб боради.

**СИРЕНА ЧАЛИШГА
ШОШИЛМАНГ!**

Покистонда полиция ва «тез ердам» машиналаридан бошқа автомобилларда сиренадан фойдаланиш таъқиқланган. Қоидани бузганларга каттагина миқдорда жарима солинади ва сирена мусодара қилиниб, йуқ қилиб ташланади. Яқинда ана шундай сиреналарда бир неча юзтаси асфалт ёқизадиган машина ердамида ээгилаб ташланди.

**БИР ҲАФТАЛИК
ГИЛАМ**

Брюсселда унингч марта гуллар кургазмаси булиб утди. Унда одадагидек 25х75 метрли гулдор «гилам» намойиш этилди. Бу «гилам» 800 минг донга гулдан ташкил тошган бўлиб, гуллар сулиб қолгунча минглаб белгияликлар ва чет эллик меҳмонлар уни томоша қилишди.

**БАДАНДАГИ
«ЭРМИТАЖ»**

АҚШнинг Хюстон шаҳрида тату-конвенция номли анжуман булди. Унда татуировка чизувчилар, бадани турли расмлар билан безатилганлар иштирок этишди. Катнапчилар орасида нафақат бебош ешлар, балки шифокорлар, уқитувчилар, адвокатлар ҳам анчамунча эди. Баданига татуировкадан нақш солинган бир неча аёл кургазманинг ҳақиқий қаҳрамонлари булишди.

ОМАДСИЗ «ТАРИХ»

Майкл Жексоннинг «Триллер» (1982 йил), «Вад» (1987 йил), «Данжерос» (1991 йил) музикий албомлари затта шуҳрат қозониб, миллионлаб доллар даромад келтиргач, «SONY» фирмаси утган йилги «HISTORY» албому учун 30 миллион доллар сарфлаган эди. Лекин ҳозирча қутилган натижага эришилгани йуқ. Бор-йўти 11 миллион нусха музикий албом сотилди, холос.

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 33-28-20, 36-56-52, 34-86-91
Урол СОДИҚ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0238 23837 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОТИН-ҚИЗЛАР
КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР
ЖАМФАРМАСИ ВА
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

**БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ**

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
ушумаси» ассоциацияси